

Жакартадаги Қуръон мусобақасида 42 нафар бола қатнашди



14:40 / 12.12.2018 1620

Индонезияда ёш Қуръони карим ҳофизлари орасида мусобақа ўтказилди, деб хабар беради dar-alquran.org янгиликлар сайти.

Мусобақа Имом Ҳусайн мақбараси Дорул Қуръон илм даргоҳи томонидан ташкил этилди. Мусобақада 5-16 ёшдаги 42 нафар индонезиялик ўғил-қизлар Қуръони каримнинг 5 жузидан 30 жузигача белгиланган миқдорлар бўйича ўзаро куч синашганлар.

“Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ёдга олиш, ҳақларига дуолар қилиш, болаларимизни Қуръони каримга бўлган муҳаббатини янада оширишдан иборат”, дейди Дорул Қуръон илм даргоҳи шўъбаси мудири Саййид Муммар Муҳадар.

Islom.uz портали таҳририяти